

Аҳмад Муҳаммад

**ҚАЙНОНА**  
*ва*  
**КЕЛИН**

**Аҳмад Муҳаммад Турсун**

**ҚАЙНОНА  
ВА КЕЛИН**

**«Наманган»  
нашриёти**

Нега қайнона ва келин муаммоси азалдан инсонларнинг бошини қотириб келяпти? Нима учун хилма-хил давлатлар, бутун-бутун халқлар бир-бири билан тил топишиб, аҳил-иноқ яшаётган бир пайтда бир хонадондаги икки аёл ўзаро муроса қилолмайди, бири иккинчисининг ҳаётига раҳна солади? Бу ихтилоф абадийми? Бунга нималар, қандай омиллар, баҳоналар сабабчи? Ана шу ихтилофга барҳам бериб, муросага келиш мумкинми?

Ёзувчи Аҳмад Муҳаммад Турсуннинг ушбу асари ана шу саволларга жавоб излайди, қайнона ва келин муносабатларини таҳлил этади.

НГ 273-571, 25 - 437-500  
274-4,0 (12) - 02

## МУҚАДДИМА

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Холиқимиз Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар ва Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга саловоту дурдлар бўлсин.

Ҳаётимизнинг қайси соҳасида бахту саодатни, хусусан, оиладаги тотувлик-иқболни, фароғатни изласак, уни албатта шарқона ахлоқ-одобимиздан топамиз. Шу боиски, турмуш тарзи бузуқ ақидалар асосига қурилган қавмлар мусулмонларнинг оилавий ҳаётига, ундаги аҳиллик ва фароғатга, ахлоқ ва одобга ҳавас билан қарайдилар. Шарқона ахлоқдан чекинилган хонадонларда эса оила тотувлигига путур етиб, муносабатлар кескинлашиб борган. Эр ва хотин, ота-она ҳамда фарзандлар ўртасида, оила ва қариндош-уруғлар орасида арзимас сабаб-баҳоналар билан уруш-жанжаллар, мурасасизликлар келиб чиққан. Баъзи ҳолларда булар янада жиддийлашиб, ўзаро адоват, душманчилик даражасига етиб боради. Айниқса, бу ҳол бутун дунёда маълуму машҳур «қайнона ва келин» муносабатларида кўпроқ кўзга ташланади.

Хўш, ана шундай мурасасизликларнинг, келишмовчиликларнинг олдини олиш мумкинми? Бунинг учун қайнона ва келин, оиланинг бошқа аъзолари нима қилишлари керак? Бу ҳақда Ислом динининг қандай кўрсатмалари, танбеҳлари бор? Қўлингиздаги ушбу камтарона уринишга ана шу саволларга бир қадар жавоб топмоқ ниятида тартиб берилди. Агар мақсадга эришолган бўлсак, бу улуғ Раббимизнинг лутфу марҳаматидан, аксинча бўлса, ўқувчиларимиз маъзур тутгайлар. Аллоҳ таоло барчамизни тавфиқ ва ҳидоят нурлари ила нурлантирсин, оилаларимизга тинчлик, фароғат ва тотувлик ато этсин, омин!



## СИЗ ҚАЙНОНА БЎЛДИНГИЗ...

Мана икки ёшга никоҳ ўқилди, тўй ҳам ўтди. Мана сиз неча йиллик орзуингизга эришдингиз. Аллоҳ таоло хонадонингизга муборак бир келинни туҳфа этди. Ўғил фарзанд кўргандаёқ юрагингиз қатларига битилган «бир муносиб келин олиш», «келин эмас, қиз олиш» ҳақидаги ёқимли истаклар, ширин илинжлар рўёбга чиқди. Йиллаб емай йиққанларингизни эл олдига дастурхон қилиб ёздингиз. Йиллаб киймай асраганларингизни – қўлингизга тушган бир парча матоми, бирорта зиракми – барини «эгаси»га топшириб хотиржам бўлдингиз. Бугун сиз – қайнонаси.

Маҳаллама-маҳалла кезиб келин ахтарганингизда, қариндош-уруғлар даврасида «Бу йил келин олмоқчиман», деб қизи борнинг юрагига ширин ғулув солганингизда, кўчадан ўтиб бораётган қақажон қизларнинг ортидан маъюс термулиб ер-у кўкка ишонмайдиган ўғлингизга муносиб жуфт излаганингизда, ниҳоят мос келинни топиб тўй тадоригини кўраётганингизда ҳам фақат бугунги қайноналик бахтини, нашъасини ўйлаб елиб-югургансиз. Энди сиз – қайнонаси.

Ниятларингизнинг, хаёлларингизнинг чек-чегараси йўқ. Келинингиз одоб-ахлоқда, шарму ҳаёда, муҳаббат ва садоқатда, иффат ва назокатда ягона бўлади. Ўғлингиз билан ниҳоятда аҳил-тотув, ширин турмуш кечиради. Эрининг соясига кўрпача солади, имосига ҳушёр, хизматига тайёр туради. У билан гап талашмайди, ҳар ишга илашмайди.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/4238> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/4238> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную  
версию можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/4238>